

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯНБУХТИН ИЛЪЯС РУСТАМОВИЧ**

**СУРХОНДАРЁ БОТИҚЛИГИДАГИ ЧЎКИНДИ ҚОПЛАМАСИНИНГ  
ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ ВА ЭВОЛЮЦИЯСИ**

**04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари**

**геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Янбухтин Ильяс Рустамович**

Сурхондарё ботиклигидаги чўкинди қопламасининг геологик тузилиши ва  
эволюцияси..... 3

**Янбухтин Ильяс Рустамович**

Эволюция и геологическое строение осадочного чехла Сурхандарьинской  
впадины..... 19

**Yanbukhtin Ilyas Rustamovich**

Evolution and geological structure of sedimentary cover of the Surkhandarya  
depression..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 38

**СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЯНБУХТИН ИЛЪЯС РУСТАМОВИЧ**

**СУРХОНДАРЁ БОТИҚЛИГИДАГИ ЧЎКИНДИ ҚОПЛАМАСИНИНГ  
ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ ВА ЭВОЛЮЦИЯСИ**

**04.00.06 – Геофизика. Фойдали қазилмаларни қидиришнинг геофизик усуллари**

**геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/GM24 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбекча, русча ва инглизча (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.seismos.uz](http://www.seismos.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Раджабов Шухрат Сайфуллаевич**  
геология-минералогия фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Максудов Собит Хамидович**  
физика-математика фанлари доктори

**Долгополов Феликс Геннадьевич**  
геология-минералогия фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Ислом Каримов номидаги**  
**Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Сейсмология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 й. «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй, Тел.: +99871 - 241-51-70; +99871 - 241-74-98; E-mail: [seismologiya@mail.ru](mailto:seismologiya@mail.ru)).

Диссертация билан Сейсмология институтининг Ахборот-ресурслар марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй; Тел. +99871 - 241-51-70.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**К.Н. Абдуллабеков**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси,  
академик, ф.-м.ф.д.

**З.Ф. Шукуров**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
г.-м.ф. фалсафа доктори (PhD)

**С.Х. Максудов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, ф.-м.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон амалиётида нефт ва газ конларини қидириш ва разведка қилишда ҳавзавий моделлаштириш технологиясини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳавзавий моделлаштириш технологиясини қўллаш углеводородларнинг тўпланиш зоналарини башорат қилиш, нефт ва газга истиқболли зоналарни ажратиш, чўкинди ҳавзаларнинг шаклланиш босқичлари ва эволюциясини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада, маҳаллий ёки минтақавий ҳавзавий моделлаштиришни ўтказиш нефт ва газга истиқболли структураларни ажратиш ишончилигини оширишга имкон беради. Бу эса ўз навбатида келгусида нефт ва газ конларини топилиши, уларнинг қазиб олиниши ҳамда жаҳон бозорини барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан АҚШ, Канада, Россия, Норвегия, Саудия Арабистони, Хитой ва бошқаларнинг ёқилғи-энергетика соҳасида нафақат нефт ва газ қазиб олиш ҳажмини доимий равишда ошириш, балки келажак учун углеводород ресурсларини таъминлаш эҳтиёжи ортомқда. Шу муносабат билан нефт ва газга истиқболли қатламларни ўрганишда геологик ва геофизик материалларни комплекс талқин қилиш ҳамда ҳавзавий моделлаштириш натижаларини интеграция қилишга қаратилган бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бундай илмий ёндашув ўтказилаётган тадқиқот усулларини такомиллаштиришга ҳамда нефтгаздорликни прогноз қилишда янги технологияларни жорий этишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда нефт ва газ соҳасини ривожлантириш борасида кенг қамровли мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, геология қидирув ишлари жадаллаштирилиб, баҳоланган нефт ва газ захиралари сонини ортиши бўйича маълум ютуқларга эришилган. Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатлар стратегияси бўйича Ҳукуматимиз томонидан «...алоҳида ҳудудларда табиий ва минерал хомашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш...»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада геологик-геофизик маълумотлар асосида Сурхондарё ботиқлиги чўкинди қопламасининг эволюцияси ва геологик тузилишини ўрганиш мақсадида, чўкинди қопламанинг ривожланиш босқичларини, тектоникаси ва структураларини шаклланиши, жумладан углеводородлар эҳтимолий тўпланиш ҳудудларини моделлаштириш бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш илмий ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 18 ноябрдаги ПҚ-4522-сон «Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони.

9 мартдаги ПҚ-2822-сон «2017-2021 йилларда углеводород хом ашёси қазиб олишни кўпайтириш Дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2017 йил 3 ноябрдаги ПҚ-3373-сон «2017-2021 йилларда углеводород хом ашёсини қазиб олишни кўпайтириш Дастурининг биринчи амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республиканинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг – VIII «Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунга келиб тадқиқот доирасида катта ҳажмдаги геологик-геофизик ишлар амалга оширилди. Сурхондарё ботиклигида жойлашган ҳудудий антиклинал кўтарилмаларда (Учқизил, Хаудаг, Сангардак, Миршоди, Жайронхона, Лалмикор, Кошчека, Коштар, Актау, Дасманага, Амударё) 1:100000 масштабда хариталаш ишлари бажарилган. Тадқиқот ҳудудининг геологик ривожланиш тарихи А.А. Абидов, А.С. Аделунг, М.А. Ахмеджанов, О.М. Борисов, В.Г. Гарьковец, Т.Н. Далимов, А.И. Летавин, Д.В. Наливкин, В.А. Николаев, А.В. Пейве, В.И. Попов, Д.П. Резвой, Б.Б. Таль-Вирский, И.А. Фузайлов, И.Х. Хамрабаев ва бошқаларнинг илмий ишларида батафсил баён этилган.

Ўтган давр мобайнида ҳудуднинг геологик ва тектоник тузилишига оид бажарилган тадқиқот ишлари охиригача умумлаштирилмаган. Ўтказилган тадқиқотларда асосий эътибор сифатли таҳлилларга қаратилган. Ўз навбатида, геологик-геофизик маълумотларни рақамли ҳолатга келтириш ва тизимлаштириш, маълумотларни мажмуавий талқин қилиш ҳамда ҳавзавий моделлаштиришни қўллаш тадқиқотлари микдорий таҳлил қилишда мутлақо янги имкониятларни очиб беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф-8-001 «Геологик-геофизик маълумотлари асосида Жанубий Ўзбекистон туз усти ва туз ости тектоник тузилишининг қонуниятлари» (2016-2017 йй.) мавзусидаги ёш олимларнинг фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** геологик-геофизик маълумотлар асосида ҳавзавий моделлаштиришни қўллаган ҳолда Сурхондарё ботиклиги чўкинди қопламасининг эволюцияси ва геологик тузилиши ҳамда нефть ва газга истиқболлилигини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

палеотектоник тадқиқотларини амалга ошириш учун чўкинди ҳавзанинг ривожланиш босқичлари ва шаклланиш жараёнларини ўрганиш;

тадқиқот майдонининг геологик тузилишини сейсмик вақтли

кесимларни талқин қилиш орқали муфассал таҳлил этиш;

нефт ва газга истиқболли қопқонларни аниқлаш учун структуравий юзалар харитасини тузиш;

ётқизикларнинг ҳосил бўлиш тарихи ва углеводородлар генерациясининг бошланиш вақтини моделлаштириш;

углеводородларнинг эҳтимолий тўпланиш ҳудудларини моделлаштириш орқали истиқболли ҳудудларни аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Сурхондарё ботиқлигининг чўкинди қоплама ётқизиклари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** геологик, структуравий, тектоник тузилишларнинг хусусиятлари, геофизик майдонлар, геологик-геофизик маълумотларни талқин қилиш ҳамда ҳавзавий моделлаштириш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Сурхондарё ҳавзаси чўкинди қопламасининг шаклланиш босқичларини ўрганишда ҳамда углеводородларнинг тўпланиш ҳудудларини башоратлашда ҳавзавий моделлаштиришдан, жумладан, геологик-геофизик маълумотларни мажмуавий талқин қилиш, сейсморазведканинг умумий чуқур нуқта усули (УЧНУ), вертикал сейсмик профиллаш (ВСП), қудуқларда геофизик тадқиқотлар (ҚГТ), кернларнинг таҳлил натижалари, палеотектоник профиллар қуриш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ҳавзавий моделлаштириш технологияси асосида Сурхондарё ботиқлигининг эволюцияси ва шаклланиш босқичлари баҳоланган;

чўкинди ҳавзанинг палеотектоник таҳлили асосини ташкил этувчи турли стратиграфик босқичлар учун палеотектоник профилларнинг динамик моделлари яратилган;

илк бор тадқиқот майдони доирасидаги мақсадли горизонтларда ётқизикларнинг чўкиши, нефт-газ жинсларининг етилганлик даражаси, углеводородлар генерациясининг бошланиш даври ҳамда турларини башоратлаш моделлари ишлаб чиқилган;

илк бор ҳавзавий моделлаштириш асосида геологик-қидирув ишлари учун углеводородларни эҳтимолий тўпланиш ҳудудларининг схематик башоратлаш хариталари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

юра, бўр ва палеоген нефт ва газ мажмуалари учун углеводородларни эҳтимолий тўпланиш ҳудудларининг схематик хариталари тузилган;

моделлаштириш натижасида туз-ангидрит қатламларининг тузусти мезозой-кайнозой ётқизикларида антиклинал турдаги истиқболли структураларни шаклланишига бўлган таъсирлар аниқланган;

бир неча майдонларни моделлаштириш натижасида истиқболли жинсларда нефт ва газ ҳосил бўлишида асосий зоналарга кириб келишининг вақт оралиқлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Натижалар ишончлилиги 35 та қудуқ, 52 та сейсмик профиллар, геологик кесимлар, структуравий

хариталар, кернларнинг таҳлил натижалари бўйича геологик-геофизик маълумотларни қўллашга асосланган, моделлаштириш натижалари бўйича аниқланган углеводородларнинг тахминий тўпланиш майдонлари ҳудудда илгари очилган конлар билан солиштирилган, моделлаштирилган истиқболли зоналарни очилган конлар билан бирга майдон бўйича мос келиши бажарилган моделлаштириш ишларини ишончлилиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти регионнинг геологик ривожланиш тарихи ва геологик тузилишига асос бўлиб хизмат қиладиган турли структураларнинг юзалари бўйича ишлаб чиқилган моделлар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Сурхондарё ботиклигининг учта структуравий-тектоник элементлари ҳудудида (Бойсун эгилмаси, Келиф-Сарикамиш тизмаси ва Ғарбий-Сурхон минтақаси) нефтгаздорликни башоратлаш билан изоҳланади. Ажратилган ҳудудларда нефтгаздорликнинг истиқболлилиги ҳамда башоратлаш хариталарини тузиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, келгусида нефт ва газга қаратилган геологик-қидирув ишлари учун муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурхондарё ботиклиги чўкинди қопламасининг геологик тузилиши ва эволюцияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Сурхондарё ботиклиги доирасидаги ҳавзавий моделлаштириш «Ўзбекгеофизика» АЖда амалиётга жорий қилинган (Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2020 йил 22 декабрдаги 32-4696-сон маълумотномаси). Натижада, туз-ангидрит қатламларининг туз усти мезозой-кайнозой чўкиндиларида антиклинал турдаги истиқболли структураларни шаклланишига бўлган таъсирининг хусусиятларини аниқлашга имкон берган;

углеводородлар генерациясини бошланиши ва нефт-газли тоғ-жинсларини нефт ва газ ҳосил бўлишининг асосий зоналарига кириш вақт оралиқлари «Ўзбекгеофизика» АЖда амалиётга жорий қилинган (Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2020 йил 22 декабрдаги 32-4696-сон маълумотномаси). Натижада, ётқизикларнинг етилганлик даражасини аниқлаш ва углеводородлар турларини башоратлаш имконини берган;

юра карбонат формацияси, бўр ётқизикларининг сеноман ва палеогеннинг бухоро ётқизиклари бўйича углеводородларни эҳтимолий тўпланиш ҳудудларини ақс эттирувчи схематик хариталар «Ўзбекгеофизика» АЖда амалиётга жорий қилинган (Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2020 йил 22 декабрдаги 32-4696-сон маълумотномаси). Натижада, Сурхондарё ботиклиги майдонида углеводородларни эҳтимолий тўпланиш ҳудудларини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан



ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 12 та мақола ва тезислар чоп этилган. Шулардан 7 та тезис, 5 таси илмий мақола. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, шу жумладан, 4 таси республикада ва 1 таси хорижий илмий журналларда.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 109 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқ келиши кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар бўйича маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурхондарё ботиқлиги ва ёндош ҳудудлар чўкинди қопламалари геологик тузилишининг қисқача баёни**» деб номланган биринчи бобида мезозой-кайнозой тоғ жинсларининг литологик-стратиграфик кесими доирасидаги масалалар кўриб чиқилган, геологик-геофизик ўрганилганлиги таҳлил қилинган, тектоникаси ва геологик ривожланишининг асосий босқичлари ёритилган.

Ҳудуднинг геологик тузилиши ва ривожланиши ҳақидаги замонавий ғояларнинг шаклланишига А.А. Абидов (1981), В. Васильев (1958), Т.Н. Далимов, Г.Х. Дикенштейн (1963), Б.А. Петрушевский (1961), Д.П. Резвой (1964), О.А. Рыжков (1959-1962), Б.Б. Таль-Вирский (1982), Н.П. Тураев (1934), В.Е. Хайн (1962-1965) ва бошқаларнинг тадқиқотлари маълум даражада ўз таъсирини кўрсатган.

А.А. Абидов, Т.Л. Бабаджанов, А.Р. Ходжаев (2002) маълумотлари бўйича Сурхондарё мегасинклинали шимоли-шарқий йўналишга эга бўлган Заркоса-Корсогли антиклинал кўтарилмалар минтақаси билан чегараланган. Минтақанинг узунлиги 130 км, кенлиги – 6.5 км. Шимолда Бухоро-Хиссор чуқур ер ёриғи чегара сифатида хизмат қилади. Ғарбда Кугитанг-Байсунтау кўтарилмалар тизмаси билан, жанубда эса Амударё ботиқлиги билан чегараланган.

Мезозой-кайнозой чўкинди қопламасини қалинлиқлари бўйича тарқалишининг таҳлили қўйидагиларни кўрсатди:

юра давр ётқизиқлари континентал генезисга эга бўлган қуйи ва ўрта юра терриген ётқизиқларининг қалин қатлами (700-1000 м), ҳамда юқори бат ва келловей-оксфорднинг карбонатли ётқизиқлари (500-700 м) билан

ифодаланади. Юра формациясининг юқори қисми кимеридж-титон галоген қатламидан ташкил топган бўлиб, у жанубий йўналишда қалинлигининг ортиши билан тавсифланади;

қуйи бўр ётқизиклари умумий қалинлиги 900-1000 м бўлган континентал-денгиз формацияларидан ташкил топган. Юқори бўр асосан 1000-1200 м қалинликдаги саёз денгиз кум-гилли ётқизиклари билан ифодаланади. Бўр ётқизиклари шарқдан ғарбга қараб қалинлигининг камайиб боришига мойил;

палеоценда иккита қатлам ажратилади – акджар ва бухоро ётқизиклари, уларнинг умумий қалинлиги 200-250 м. Эоцен ётқизиклари, умумий қалинлиги 250-300 м гача бўлган карбонатли жинсларнинг кичик қалинликка эга бўлган қатламлари, ҳамда кум-гилли қатламчалар билан ифодаланади. Палеоген ётқизиклари қалинлигининг жануби-шарқдан шимоли-ғарбга қараб камайишига мойил;

неоген-тўртламчи давр ётқизиклари континентал молассалар қатлами билан ифодаланиб, антиклинал кўтарилмаларда ювилиб кетган ва ботикликларда 5000 м дан ортиқ бўлган қалинликка эга.

Сурхондарё ботиклигининг тектоник тузилиши тўртта структуравий-тектоник элементлардан иборат - булар Бойсун, Келиф-Сариқамиш, Ғарбий Сурхон ва Шарқий Сурхон. Чўкинди қоплами асосан ривожланишнинг платформали босқичида шаклланган. Неоген-тўртламчи даврда платформали босқич жадал орогенез жараёнига алмашади, бунга сабабчи бўлиб Араб ва Ҳинд микроконтинентларининг ўзаро тўқнашуви хизмат қилади. Ўрганилаётган ҳудуднинг тектоник қиёфасини ўзгаришига Помир блокининг шимоли-ғарбий йўналишидан кўтарилиб келиши сабаб бўлиб, бу ўз навбатида антиклинал ва синклинал структураларни сиқилишига олиб келади.

Сурхондарё нефть ва газ ҳудудининг мезозой-кайнозой чўкинди қопламали кесимида учта нефтгаздор мажмуа ажратилади: палеоген, бўр ва юра. Шу тарзда Сурхондарё ботиклиги ва унинг атрофидаги майдонларда палеогеннинг олой ётқизикларидан юқори юра ётқизикларигача бўлган бутун чўкинди қоплама кесими бўйича нефть ва газни намоёндалари ва саноат уюмлари учрайди.

Диссертациянинг «**Сурхондарё ботиклигининг геологик тузилишини ўрганишда геологик-геофизик маълумотлардан фойдаланиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида охириги йилларда олинган маълумотларни ва усулларнинг қўлланилиши, имкониятлари ва чуқурлиги бўйича таснифи келтирилган.

Сурхондарё ботиклиги чўкинди қопламининг эволюцияси ва геологик тузилишини ўрганиш жараёнида геологик ва геофизик маълумотларни мажмуавий талқин қилиш усули, палеотектоник қайта тиклаш усули, органик моддаларнинг тақсимланишини таҳлил қилиш ва ҳавзавий моделлаштириш усуллари ўз ичига олган ҳолда, геофизик усуллар ва геологик маълумотларнинг мажмуавий қўлланилиши кўриб чиқилган.

Сурхондарёнинг умумий ҳудуди ва унинг алоҳида структуравий

элементлари геологик ва геофизик жиҳатдан бир хил ўрганилмаган. Бу, биринчи навбатда, геологик тузилишининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган структуравий юзаларнинг турлилиги, ҳамда нефть ва газга истиқболли бўлган стратиграфик мажмуаларнинг ётиш чуқурлиги билан ифодаланади. Шу муносабат билан, чўкинди ҳавзасининг геологик тузилиши ва ривожланиш тарихини ўрганишда геофизик усуллар ва геологик маълумотларни мажмуавий қўллаш зарур бўлади.

Чўкинди қатламларнинг нефтгазгаздорлигини ва нефть ва газ манбали жинсларнинг етилганлик даражасини аниқлашда тектоник шароитни ифодалаб берувчи чўкиндилар ҳосил бўлиш тезликларини ўрганиш муҳим ҳисобланади, ва палеотектоник таҳлил қилишда катта аҳамият касб этади.

Ҳавзавий моделлаштириш нефть ва газни геологик қидирув ишларини ўтказиш жараёнида аниқланган истиқболли углеводород конлари ҳақида аниқроқ маълумот олиш усулларида биридир, чунки у эволюция жараёни ва чўкинди ҳавзасининг шаклланиш босқичларини ўрганишга асосланган.

**«Сурхондарё ботиқлиги доирасида геологик-геофизик маълумотларни талқин ва таҳлил қилиш»** деб номланган диссертациянинг учинчи бобида геофизик тадқиқот материалларини шарҳлаш ва таҳлил қилиш натижалари, палеотектоник қайта тиклаш натижаларини тавсифлаш ва таҳлил қилиш, ҳамда ҳавзавий моделлаштириш натижасида қурилган моделлар келтирилган.


Ўрганилаётган ҳудуд бўйича мавжуд бўлган барча геологик ва геофизик маълумотларни, шу жумладан УЧНУ-2Д сейсмик маълумотларни, ВСП, ҚГТ маълумотларини ва бурғулаш натижаларини талқин қилиш ва таҳлил қилиш натижасида жуда мураккаб тектоник ва ўзига хос геологик тузилиш билан ажралиб турадиган чўкинди қатламларнинг геологик тузилиши ўрганилди. Бу турли характердаги тектоник бузилишлар кўринишида (кўтарилма, узилма, уст-сурилма, ер ёриқлари ва б.), шунингдек галокинез шаклида намоён бўлади, улар ўз навбатида турли даражадаги ижобий ва салбий структураларни ҳосил қилади. Улар ҳар хил турдаги янги қопқонларни топилиши мумкин бўлган қатламларни ташкил қиладиган тоғ жинсларининг физик хусусиятларига таъсир қилади, ҳамда шу билан бирга кўплаб геологларни, тектонистларни, геофизикларни ва нефтшуносларнинг алоҳида эътиборини тортади.

Палеотектоник қайта тиклаш жараёнларида, ҳавзавий моделлаштириш орқали Сурхондарё ботиғини субкенглик йўналишида кесиб ўтувчи Зарабаг-Жалаир-Дасманага кесими бўйлаб бир қатор палеотектоник профиллар қурилди. Палеотектоник профиллар чўкиндиларни ҳосил бўлиш жараёнини ва туз-ангидрит қатламларининг тузусти мезозой-кайнозой чўкиндиларида антиклинал турдаги потенциал структураларни шаклланишига таъсири хусусиятини акс эттиради. Чўкинди ҳавза тубининг чўкиш тезлиги ва жадаллиги тавсифланган. Чўкиндиларни ҳосил бўлиш тезлиги чўкинди ҳавзасини конседиментацион ботиш жадаллигининг асосий кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Бундан келиб чиқадики, мезо-кайнозой даврида ҳавза

тубининг умумий ботиши содир бўлган. Кечки юрада, эрта бўр охири - кечки бўр, эрта палеоген ва неоген даврларида жадал чўкиш жараёни содир бўлиб, эрта юра, эрта бўр, кечки бўр ва ўрта палеоген даврларида эса бу жараён мўътадил бўлган.

Говакликни ва зичликни бўр ётқизиклари мисолида моделлаштириш 65 млн. йил олдин, чўкиндилар эндигина пайдо бўлгандаги ва ҳозирги ҳолатдаги геологик вақт давомида бу кўрсаткичлар қай тарзда ўзгараётганини кўрсатади. Ер юзасидан бошлаб, то 2500 метр чуқурликкача говаклик 31% дан 11,5% гача камайиб боради, зичлик эса 2170 кг/м<sup>3</sup> дан 2480 кг/м<sup>3</sup> гача ортади.

Ётқизикларни етилганлик даражасини ва органик моддаларни углеводородларга ўтиш коэффициентини моделлаштириш шуни кўрсатадики, геологик вақт ўтиши давомида зарур бўлган термобарик шароитлар ҳосил бўлашини, бу ўз навбатида нефть-газ манбали тоғ жинслари нефть ва газни ҳосил қила бошлашини маълум қилади.



1-расм. Қорақурт майдони, тўққизинчи қудуқдаги бўр ва палеоген ётқизикларни етилганлик даражасининг модели

Моделлаштириш PetroMod дастурий мажмуасида бажарилган. Қорақурт майдонидаги 9-сонли қудуқнинг бир ўлчамли модели (1-расм) шуни кўрсатадики, сеноман чўкиндиларида углеводородлар ҳосил бўлишининг бошланиш вақти 50,86 млн. йил олдин, чўкиндилар 1730 м (0,55%Ro) чуқурликка чўккан пайтга тўғри келади. Кейинчалик, 28,02 миллион йил аввалги вақтга келиб, 2035 м чуқурликка чўкиб, улар асосий нефть худудига ўтадилар (1.00% Ro). Бўр даври ётқизикларини қизиш ҳарорати чуқурликка

борган сари ортади ва 0,69 млн. йил олдинги вақтга келиб витринитнинг акс этиши жиҳатидан қўйи сеноман қатламларининг етилганлик даражаси 1,30%Ro га етади ва улар газоконденсат чегарасига киради. Бу шуни кўрсатадики, ўша вақтда қўйи бўр ётқизиқларининг неоком қатламлари, стратисферада углеводород шаклланишини вертикал геохимёвий зонал схемасига биноан (В.А. Соколов, 1984), метабенез босқичида бўлиб, суяк бўлмаган, асосан газсимон углеводородлар ишлаб чиқаришга қодир бўлган. Бухоро чўкиндиларида углеводородлар ҳосил бўлишини бошланиш вақти 7,35 млн. йил аввалга, 2036 м (0,55%Ro) чуқурликка чўккан пайтга тўғри келади. Ҳозирги замонавий босқичда палеогеннинг бухоро қатламлари 2744 м чуқурликда ётган бўлиб, эрта нефть доирасида (0,67% Ro) жойлашган.

Юқорида айтилганларга асосланиб, Сурхондарё мегасинклиналининг бир қисми бўлган Афғон-Тожиқ ботиқлигининг геодинамикаси ва тектоник эволюцияси нефть ва газни ҳосил қилишга қодир бўлган потенциал нефть ва газ уюмларини, коллекторларни ва нефт-газ манбали жинсларни ҳосил қилиш учун қулай структуравий шароитларни шакллантирди, деб таъкидлаш мумкин. Палеоген, бўр ва юқори юра мажмуаларида нефть ва газ конларининг очилиши углеводород тизимини барқарор ишлаётганини тасдиқлайди. Моделлаштиришни (2D, 3D) давом эттириш эса, углеводородларни ҳосил бўлиши ва миграция шароитларини латерал ва вертикал йўналишларда башорат қилиш имконини беради.

Диссертациянинг «Сурхондарё ботиқлигидаги углеводород ларнинг эҳтимолий тўпланиш зоналарини моделлаштириш» деб номланган тўртинчи бобда углеводородларнинг эҳтимолий тўпланиш ҳудудларини моделлаштириш ва моделлаштириш натижаларини таҳлил қилиш услубиятлари келтирилган.


Сурхондарё нефть ва газ ҳудудида ҳавзавий моделлаштиришни бажариш учун Бойсун бурмаси, Келиф-Сариқамиш тизмаси ва Ғарбий Сурхон ҳудудини қамраб олган майдон танланган. Шунингдек, Ғарбий Сурхон ҳудуди билан чегарадош ва Шарқий Сурхон ҳудудига тегишли Учқизил-Миршоди маҳаллий кўтарилма ҳудуди ҳам ўрганиш доирасига киритилган. Бундан мақсад, углеводородлар тўпланишини моделлаштирилган ҳудудлари билан мавжуд конларни майдон жиҳатдан ўзаро солиштириш, яъни моделни тўғрилигини баҳолаш учун қилинган. Учқизил-Миршоди маҳаллий кўтарилишлар ҳудуди жануби-ғарбдан жануби-шарқ йўналишида Учқизил, Хаутаг, Жалаир, Жанубий Миршоди, Миршоди каби кон майдонларини ўз ичига олади. Моделлаштириш юра, бўр ва палеогендан иборат бўлган учта углеводород тизимлари учун амалга оширилди.

Моделлаштириш услибияти шундан иборатки, киритилган кўрсаткичлар, масалан, керогеннинг тури, органик моддаларнинг таркиби, водород кўрсаткичи, иссиқлик оқими, чўкинди юзасининг ҳарорати, ётқизиқларнинг структуравий юзалари, қопламанинг структуравий харитаси, она қатламнинг ёши ва қалинлиги, ғоваклилик кўрсаткичлари, қопламалар, углеводород тизими каби кўрсаткичларига кўра ҳосил бўлиш хариталари

тузилди. Углеводородларни ҳосил бўлиш хариталари эса коллектор қатлами усти харитаси, коллектор қатламининг ости харитаси, ҳарорат харитаси, босим харитаси, органик моддаларни ўзгариш харитаси, она жинсининг етилганлиги харитаси, нефть ҳосил бўлиш ҳудуди харитаси ва газ ҳосил бўлиш хариталарини ўзида мужассамлаган. Ушбу хариталар миграция йўналишлари ва углеводородларнинг тўпланиш ҳудудларини моделлаштиришнинг кейинги жараёни учун киритилувчи маълумотлар бўлиб ҳисобланади.

Юра, бўр ва палеоген углеводород тизимлари учун амалга оширилган моделлаштириш натижасида миграция йўллариининг ҳамда углеводородларни эҳтимолий тўпланиш ҳудудларининг схематик хариталари тузилди. Моделлаштириш майдони доирасидаги ҳақиқий конлар билан моделлаштирилган углеводородларнинг эҳтимолий тўпланиш ҳудудлари майдон бўйича мос келганлиги моделлаштириш маълумотларининг тўғрилигини тасдиқлайди. Бундан ташқари, тадқиқот майдонида илгари ўтказилган изланишлар асосида "истикболли" деб белгиланган майдонларга моделлаштирилган углеводородларнинг эҳтимолий тўпланиш ҳудудлари ҳам мос равишда тўғри келади. Мазкур маълумот ушбу майдонларнинг истикболлилик даражасини оширади.

Юра даври ётқизиклари, юқори бўр даврининг сеноман ётқизиклари ва бухоро палеоген қатламларининг карбонат формациялари бўйича ҳавзавий моделлаштириш натижаларидан олинган схематик хариталар углеводородларнинг эҳтимолий тўпланиш ҳудудларини акс эттиради. Моделлаштириш натижасида олинган углеводородларнинг эҳтимолий аккумуляция зоналарининг мавжуд конларга (1-Учкизил; 2-Ҳаудаг, Жалаир; 3-Миршоди; 4-М-25 (Гажак)) тўғри келиши бажарилган ишларни тўғрилигини тасдиқлайди (2 расм.). Шу билан бирга, 11 та моделлаштирилган углеводород йиғилиш ҳудудлари илгари аниқланган маҳаллий кўтарилмаларга тўғри келади (1-Сангардак, 2-Оқжар, 3-Аширхон, 4-Ангор, Ғарбий Сурхон ҳудуди ичидаги 5-Қорақурт; 6- Дагана, 7-Пашхурд, Ғарбий Сурхон ҳудудида, айнан жануби-ғарбий қисмида, углеводородларнинг эҳтимолий тўпланишининг моделлаштирилган ҳудудлари антиклинал қопқонларга эга, айти дамда эса Келиф-Сариқамиш тизмаси ва Бойсун бурмаси бўйлаб углеводородларнинг эҳтимолий тўпланиши моделлаштирилган ҳудудлари антиклинал шаклга эга бўлиши билан бирга тектоник-экранлашган қопқонлар каби шаклларга эга. Бугунги кунга келиб, Юра даври карбонат чўкиндиляларининг ётиш чуқурлиги ҳамда термобарик ҳолатлари шуни кўрсатадики, органик моддаларнинг углеводородларга айланиши деярли тўлиқ тугаган ва улар қуруқ газ доирасидадир. Юқори бўр даврининг сеноман ётқизиклари ётиш чуқурлиги ва термобарик шароитлари, шунингдек органик моддаларнинг трансформация коэффиценти уларнинг газ конденсати доирасида эканлиги, қуйи палеогеннинг бухоро қатламлари эса дастлабки нефть доирасида эканлигини кўрсатади.



2-расм. Палеоген ётқизиклари бухоро қатламларида углеводородларнинг тўпланиш ҳудудлари ва миграция йўллари моделиштириш натижалари

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, юра чўкиндиларида углеводородларнинг ҳосил бўлиши ва миграция жараёни юқори бўр давридан, қопқонларни пайдо бўлиши эса палеоген ва неоген давридан бошланади. Бўр даври ётқизикларида углеводородларнинг ҳосил бўлиши ва миграция жараёни эоцен даврида, қопқонларнинг ҳосил бўлиши эса палеоген ва неоген даврида бошланади. Палеоген ётқизикларида ҳосил бўлиши ва миграция жараёни бошланиши миоценнинг охирига, қопқонлар ҳосил бўлиши эса плиоцен охирига тўғри келади. Шу билан бирга, хариталарда углеводородларнинг амалдаги мажмуалараро миграциясини кузатиш мумкин. Бу эса учта углеводород мажмуаси бўйлаб бази бир моделлаштирилган ҳудудларнинг майдонли мос келиши хариталарда акс этади.

Шундай қилиб, учта углеводород мажмуалари хариталарини барчасини таҳлил қилиб, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин - Ғарбий Сурхон ҳудудида углеводородлар тўпланишининг моделлаштирилган ҳудудлари жануби-ғарбий қисмига йўналган, Келиф-Сариқамиш тизмасида - тектоник ёриқлар билан белгиланган, Бойсун бурмасида - углеводородларнинг эҳтимолий тўпланиши моделлаштирилган ҳудудлари бурманинг ён томонларида жойлашган. Моделлаштириш натижасида олинган маълумотлар истиқболли майдонларни кейинчалик муфассал ўрганиш бўйича мақбул чора-тадбирлар тўпланини танлашга имкон беради.

Диссертациянинг «Сурхондарё ботиқлиги бўйлаб кейинги геологик-қидирув ишларини олиб бориш бўйича тавсиялар» номли бешинчи бобида моделлаштириш маълумотлари бўйича аниқланган истиқболли худудларнинг таҳлили келтирилади, ҳамда Сурхондарё ботиқлиги бўйлаб ажратилган мезозой-кайнозой мажмуасининг геологик тузилишини муфассал ўрганиш мақсадида сейсморазведканинг УЧНУ-3D ишларини олиб бориш учун илмий асос берилади.

Хавзавий моделлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар натижаларига кўра углеводородларнинг эҳтимолли тўпланиш зоналарини башоратловчи схематик хариталар тузилди. Сурхондарё ботиқлигининг Бойсун блоки, Келиф-Сариқамиш тизмаси ва Фарбий Сурхон блоканинг жануби-ғарбий қисм худудларининг аккумуляция зоналаридаги углеводородларнинг башоратланган тури ва уларнинг худудий мансублиги аниқланди. Келгусидаги муфассал геологик қидирув ишларини бажариш учун истиқболли майдонлар ажратилди.

Учта нефт ва газ мажмуаларининг ҳар бири учун истиқболли майдонлар аниқланиб, улар орасида Фарбий Сурхон блоканинг жануби-ғарбий қисми алоҳида ажралиб туради, ва уларнинг ичида углеводородларнинг эҳтимолли тўпланиш зоналари учта нефт ва газ мажмуалари - юқори юра, юқори бўр ва қуйи палеоген бўйича ифодаланди.

Моделлаштириш маълумотлари асосида кейинги янада муфассалроқ қидирув ишлари учун истиқболли майдонлар аниқланди. Ажратилган худудларда муфассал ўрганиш усули сифатида 3D сейсморазведка тадқиқотларини ўтказиш таклиф этилади.

Қидирув ва разведка босқичларида 3D сейсморазведка ишларини олиб бориш кесимнинг чуқур горизонтларида истиқболли оралиқларни аниқлаш, конни чегаралаш ва геометризациялаш, захираларни ҳисоблаш ва натижада конни қазиб олиш учун тайёрлаш имконини беради.

Мисол тариқасида, 3D сейсморазведка ишларини олиб бориш учун кузатиш тизимининг мақбул кўрсаткичларини ҳисоблашда антиклинал структура бўлган Қорақурт худудининг тузилиши тўғрисидаги 2D сейсморазведка, ҳамда бурғулаш ишларидан олинган маълумотларга мувофиқ равишда кўриб чиқилди. Моделлаштириш маълумотлари бўйича қатламнинг XV горизонтида углеводород тўпланишининг эҳтимолий худудлари аниқланди.

Сейсморазведка кузатув тизимининг хусусиятларини ҳисоблаш танланган ( $J3c1+oxf$ ) мақсадли горизонт учун амалга оширилди. Кузатув тизимининг ҳисобланган хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, кўриб чиқилаётган майдонда, шунингдек, ўрганилаётган майдондаги бошқа аниқланган истиқболли худудларда 3D ортогонал сейсморазведка тадқиқотларини лойиҳалаштириш ва ўрнатиш учун кўрсаткичларнинг мақбул қийматлари танланди.

Шуни таъкидлаш керакки, бундай қийин шароитларда чуқур бурғулаш натижалари асосида майдонни ўрганилганлик даражаси ҳамон паст бўлиб,



сейсморазведка ишлари билан комплекс бажарилмас экан, унинг геологик тузилиши тўғрисидаги етарли даражада тўлиқ ва ишончли маълумотларни олиш имконияти бўлмади.

Майдоннинг геологик ва геофизик жиҳатдан кам ўрганилганлигини, шунингдек сейсморазведка ускуналари ва дала ишларини ўтказиш усулларининг янги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, Сурхондарё ҳудуди бўйлаб ажратилган майдонларда сейсморазведка УЧНУ-3D ишларини олиб бориш таклиф этилмоқда. Ушбу босқичда ҳавзавий моделлаштириш сейсморазведка тадқиқотларини самарали равишда тўлдиради ва қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш имконини беради:

эҳтимолий маҳсулдор мажмуаларнинг тузилиши тўғрисидаги ишончли тасаввурга эга бўлиш;

структуралар жойлашуви орасидаги муносабат ва потенциал антиклинал структураларининг пайдо бўлишига туз тектоникасининг таъсири ҳақидаги тасаввурга эга бўлиш;

ҳавзанинг эволюцияси ва минтақанинг кетма-кетлик стратиграфияси тўғрисида маълумотга эга бўлиш;

эҳтимолий қопқонларнинг тузилиши тўғрисида тасаввурга эга бўлиш;

кесимнинг истиқболли оралиқлари учун нефть ва газга башорат беришга ва қидирув тадқиқотларни олиб бориш учун кўрсатмалар беришга имкон беради.

## ХУЛОСА

Диссертация мавзуси бўйича қуйидаги асосий натижалар олинди:

1. Юра-палеоген даврида Сурхондарё ботиқлиги чўкинди қопламасининг шаклланиши платформа режимида ривожлангани қайд этилди. Чўкинди ҳавзаси тубининг барқарор чўкиши, нефть ва газга истиқболли бўлган чўкинди жинслар мажмуасини шаклланиши учун қулай шароитлар билан бирга кечиши тасдиқланди.

2. Неоген-тўртламчи даврда жадал орогенезнинг ривожланиши содир бўлиб, Помир блокининг шимоли-ғарбий йўналишдаги ҳаракати Афғон-Тожиқ ботиқлигининг деформацияланишига олиб келган. Натижада антиклинал ва синклинал структуралар шимоли-шарқий йўналиш кўринишига келиши қайд этилган.

3. Чўкинди қатламларининг ўзига хос геологик тузилиши, туз усти ва туз ости структуравий жойлашувларининг номутаносиблигини келтириб чиқарган турли тектоник бузилишлар, ҳамда галокинез - туз тектоникаси шаклида намоён бўлиши аниқланган. Бу ўз навбатида турли даражадаги ижобий, истиқболли структураларни шаклланишида муҳим аҳамият касб этган.

4. Геологик даврлар бўйича чўкинди жинсларнинг етилганлик даражаси баҳоланиб, генерациянинг бошланиш вақтини башорат қилиш орқали углеводородларнинг тўпланиш ҳудудлари моделлаштирилган. Натижада юра, бўр, палеоген даври углеводород тизимлари бўйича миграция

йўллариининг ҳамда углеводородлар тўпланиш эҳтимолий ҳудудларининг схематик хариталари тузилиб, геологик қидирув ишларини режалаштиришга тавсия қилинган.

5. Ҳавзавий моделлаштириш маълумотлари асосида муфассал қидирув ишлари учун истиқболли майдонлар аниқланган. Муфассал ўрганиш усули сифатида ажратилган майдонларда сейсморазведканинг 3D ишларини олиб боришга тавсиялар берилган. Натижалар ер қобиғи кесим қатламларидаги углеводород заҳираларига истиқболли оралиқларнинг нефт ва газга боғлиқлигини башорат қилиш имконини беради. Геологик-қидирув ишларининг барча босқичларида ҳавзавий моделлаштиришни ўтказиш тавсия этилади, бу эса алоҳида конни ёки умумий ҳудудни ўзлаштиришнинг оптимал алгоритмларини танлашга ҳамда иқтисодий кўрсаткичларни оширишга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ ИНСТИТУТЕ СЕЙСМОЛОГИИ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**ЯНБУХТИН ИЛЪЯС РУСТАМОВИЧ**

**ЭВОЛЮЦИЯ И ГЕОЛОГИЧЕСКОЕ СТРОЕНИЕ ОСАДОЧНОГО  
ЧЕХЛА СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ВПАДИНЫ**

**04.00.06 – Геофизика. Геофизические методы поисков полезных ископаемых**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**диссертации доктора философии (PhD) по геолого-минералогическим наукам**

**Ташкент-2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2017.3.PhD/GM24.**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана им. Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.seismos.uz](http://www.seismos.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Раджабов Шухрат Сайфуллаевич**  
доктор геолого-минералогических наук

**Официальные оппоненты:** **Максудов Собит Хамидович**  
доктор физико-математических наук  
**Долгополов Феликс Геннадьевич**  
доктор геолого-минералогических наук

**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный технический университет имени И.А. Каримова**

Защита диссертации состоится «\_\_»\_\_\_\_\_2021 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.GM/FM.97.01 при Институте сейсмологии, (Адрес: 100128, г.Ташкент, ул.Зулфияхоним, 3 Тел. +99871-241-51-70; +99871-241-74-98; E-mail: [seismologiya@mail.ru](mailto:seismologiya@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Сейсмологии (регистрационный номер №\_\_\_\_). (Адрес: 100128, г.Ташкент, ул.Зулфияхоним, 3, Тел.: (99871) -241-51-70.).

Автореферат диссертации разослан «\_\_»\_\_\_\_\_2021 г.  
(реестр протокола рассылки № \_\_ от «\_\_»\_\_\_\_\_2021 г.

**К.Н. Абдуллабеков**

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, академик, д.ф.-м.н.

**З.Ф. Шукуров**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по г.-м.н.

**С.Х. Максудов**

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность исследований.** В мировой практике, в области поиска и разведки нефтяных и газовых месторождений, применение технологии бассейнового моделирования имеет важное значение. Применение технологии бассейнового моделирования играет очень важную роль при изучении процессов эволюции и этапов формирования осадочных бассейнов, прогнозировании предполагаемых зон аккумуляции углеводородов и выделении перспективных зон на нефть и газ. В связи с этим, проведение бассейнового моделирования локального или регионального характера позволяет повысить достоверность выявления перспективных на нефть и газ структур. Это в свою очередь обеспечит выявление новых месторождений, их разработку, а также будет служить стабилизации мирового рынка.

На сегодняшний день в топливно-энергетических отраслях многих стран мира, в том числе США, Канада, Россия, Норвегия, Саудовская Аравия, Китай и др., прослеживается необходимость не только в постоянном приросте добычи нефти и газа, но и в обеспечении углеводородными ресурсами на перспективу. В связи с этим проводится ряд исследований, направленных на интегрирование результатов комплексной интерпретации геолого-геофизического материала и бассейнового моделирования при изучении нефтегазоперспективных толщ. Такой научный подход послужит усовершенствованию методов проводимых исследований и внедрению новых технологий прогнозирования нефтегазоносности.

В нашей стране предпринимается широкий комплекс мер по развитию нефтегазовой сферы. В этой сфере достигнуты определенные успехи, в том числе, ускорены геолого-поисковые работы и увеличены оцененные ресурсы нефти и газа. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены приоритеты «обеспечения эффективного и комплексного использования природных и минеральных ресурсов в определенных областях...»<sup>1</sup>. В связи с этим, исследования по изучению эволюции и геологического строения осадочного чехла в пределах Сурхандарьинской впадины по геолого-геофизическим данным, с целью изучения этапов развития, тектоники и формирования структур осадочного чехла, включая моделирование зон вероятных скоплений углеводородов, имеют важное научное и практическое значение.

Исследования, проводимые в рамках этой работы, в определенной степени служат выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента № УП-4947 от 7 февраля 2017г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4522 от 18 ноября 2019 года «О мерах по совершенствованию системы организации и проведения геологоразведочных

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

работ на нефть и газ», № ПП-2822 от 9 марта 2017 г. «Программа по увеличению добычи углеводородного сырья на 2017-2021 годы», № ПП-3373 от 3 ноября 2017 года «О мерах по реализации первой Программы по увеличению добычи углеводородов в 2017–2021 годах», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – VIII «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

